

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ПРЕСС - РЕЛИЗ

Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида матбуот анжуманининг

ПРЕСС - РЕЛИЗ

“Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида” матбуот конференцияси

2016 йил 4 август куни соат 11.00 да Миллий матбуот марказида “Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида” матбуот анжумани бўлиб ўтади. Анжуман ташкилотчиси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодийтимизнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланган матбаачиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида республикада жами 149 та матбаа корхонаси мавжуд бўлган бўлса, бугун уларнинг умумий сони 1734 тани ташкил этади (01.07.2016й.).

Мустақиллик йилларида матбаа корхоналарининг ривожланиши, соҳага янги технологияларнинг кириб келиши билан ички бозоримиздаги матбаа маҳсулотларига бўлган эҳтиёж қондирила бошланди. Ўз навбатида бу жараён ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишга ҳам олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги “Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сон қарорига мувофиқ Республика таълим муассасаларини ёзув дафтарлари билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Ушбу дастурда амалга оширилиши лозим бўлган 5 та асосий тадбир, яъни:

- ишлаб чиқарилаётган ёзув дафтарлари сифатини ошириш;
- ёзув дафтарларини ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;
- ёзув дафтарлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- миллий маънавиятимизга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафтарларининг республикага келтирилишининг олдини олиш ва сотилишини тақиқлаш;
- миллий маънавиятга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафтарларидан республика таълим муассасаларида фойдаланишни тақиқлаш ишларини кучайтириш белгиланди.

Ёзув, кундалик ва расм чизиш альбомлари 2004 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 318-сон қарори билан тасдиқланган “Мажбурий тартибда сертификацияланадиган маҳсулот турлари рўйхати”га киритилган маҳсулотлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ўқувчиларни юртимиз матбаа корхоналарида ишлаб чиқарилган сифатли, экологик талаб ва меъёрларга жавоб берувчи, миллий маънавиятимизга мос хавфсиз босма маҳсулотлар билан

таъминлаш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда “Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларининг хавфсизилиги тўғрисидаги умумий Техник регламент” ишлаб чиқилди ва Ҳукуматнинг 2015 йил 3 июндаги 146-сонли қарори билан тасдиқланди.

Дафтарларни ишлаб чиқариш ва муқоваларини миллий маънавиятимизга мос келадиган расмлар билан безатилиши масалаларини муҳокама этувчи доимий ишчи гуруҳи тузилиб, унинг режаси Агентлик томонидан ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳи таркибига Агентлик тизимидаги НМИУлари дизайнерлари ҳамда Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика таълим марказининг Янги авлод дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмаларни яратиш бўлимлари, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг етук мутахассислари жалб этилди.

Ҳукуматимиз томонидан ҳар ўқув йили бошида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларини зарур ўқув анжомлари билан таъминлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида анъанавий тарзда “Мактаб ярмаркалари” ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябригача республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтадиган мактаб ярмаркаларини ўтказиш ишлари тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

“Мактаб ярмаркалари” учун зарур бўладиган дафтар маҳсулотларига бўлган эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудлар кесимида шакллантирилди.

Унга кўра, ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда йирик савдо мажмуалари ва савдо ташкилотларида ташкил этиладиган мактаб ярмаркалари учун жами 37,3 млн. дона ўқув дафтарлари етказиб берилиши лозим.

Жорий йилнинг I ярмида Агентлик тизимидаги корхоналар ҳамда хусусий ишлаб чиқарувчилар томонидан жами 44,4 млн. дона ўқув дафтарлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу йилги ўқув дафтарларига бўлган эҳтиёж 19,2 фоизга ортиғи билан бажарилди. Бундан ташқари, Агентлик тизимидаги корхоналар томонидан 10 августгача 15,5 млн. дона, “Шарқ” НМАК томонидан 3,0 млн. донадан зиёд дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг турли ҳудудларига етказиб берилиши кўзда тутилган.

Агентлик тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган дафтарлар миллий маънавиятимизга мос равишда безатилиб, амалдаги таълим стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Бу йилги мактаб ярмаркалари учун зарур дафтар маҳсулотлари ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда етказиб берилиб, улар билан айниқса вилоятларнинг чекка ҳудудларида ташкил этилаётган мактаб ярмаркаларини тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу мақсадда Агентлик томонидан ҳар бир

худудда ташкил этилаётган мактаб ярмаркаларини зарур ўқув анжомлари билан тўлиқ таъминланишини ташкил этиш ва назоратга олиш мақсадида ҳар бир худудга масъуллар тайинланган.

Бундан ташқари, хабарингиз бор вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида “Китоб олами” маърифий мажмуалар очилган. Жумладан Нукус, Ургенч, Самарқанд шаҳарларида ва Фарғона водийсининг вилоят марказларида жорий йилнинг май-июнь ойларида мажмуалар очилди. Яқин кунларда Бухоро ва Жиззах шаҳарларида мажмуалар очилиши режалаштирилган.

Ушбу китоб дўконларида арзон нархларда, ҳар қандай миқдорда ва усулда сифатли, республикада ишлаб чиқарилган босма маҳсулотларни харид қилиш имкониятлари яратилган. Оммавий ахборот воситалари ўз саҳифаларида мазкур мавзунини ёритишда ушбу масалага алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқ.

Агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари дизайнерлари томонидан ишлаб чиқилган ва доимий ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланган ёзув, расм дафтарларнинг муқовалари ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган кундалик дафтарларнинг намунаси асосида ёзув дафтарлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дафтар маҳсулотларининг сифати ва безакларининг миллий маънавиятимизга мослиги бўйича дастур талабларига жавоб берадиган даражадаги мактаб анжомларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳукумат қарорида белгиланган тадбирларни амалга оширилишига қатъий эътибор берилишига қарамадан ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тўла стандарт талабларига жавоб берадиган дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тўлиқ эришилди, деб бўлмайди.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш, бозорларда контрафакт ёки стандартлар талабларига жавоб бермайдиган дафтар маҳсулотларни сотилиши ва матбаа корхоналари томонидан ишлаб чиқрилишини олдини олиш мақсадида Агентлик томонидан профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда республикада дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 20 тадан ортиқ матбаа корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари бугунги кунда ички бозорни дафтар маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш қувватига эга.

2016 йилда дафтар маҳсулотларига бўлган аҳолининг эҳтиёжни тўлиқ қондириш режалаштирилган.

Бундан ташқари дафтар маҳсулотларини Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби ҳамдўстлик давлатларига ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.

Жорий, 2016 йилда қўйилган ўта муҳим вазифа яъни ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маънавиятимиз талабларга жавоб берадиган сифатли мактаб анжомлари билан таъминлаш вазифаси тўлиқ амалга оширилади, деб ишонч билдирамыз.